

Тазкия дарслари (92-дарс). «Саййидул истиғфор»ни ўқиш ва дуо қилиш



ТАЗКИЯ *дарслари 92-дарс*

Тазкия дарслари Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг
“Тасаввуб ҳақида тасаввур” ва “Рұҳий тарбия-1-2-3” китоблари асосида бериб борилади.
Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



ISLOM.UZ

13:30 / 04.07.2020 5596

????? ?????????? ???? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ?
????? ??????????? ??? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????:
«????? ?????????????????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????:
????????? ?????? ?????? ?????? ??? ?????? ?????? ??????
????? ?????????? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????
????? ?????????? ?????? ?????? ?????? ??? ?????? ??????
????? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????

????? ?????????????? ?????????? ?????????? ???
????????? ?????????? ??? ?????????? ??? ??????????
????????? ??? ?????? ??????. ?????? ?????????? ???
????????? ??? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????????
????? ??? ?????????? ?????? ?????? ?????? ??????
????????? ??? ?????? ?????????? ?????? ?????? ??????
????? ??? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????
????? ??? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????
????? ??? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????
????? ??? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????».
????? ??? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????.

Шаддод ибн Абс розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Истиғфорнинг саййиди «Аллоҳумма анта роббии. Лаа илааха илла анта. Холақтаний. Ва ана абдука ва ана ала аҳдиқа. Ва вадиқа мастатоъту. Аъуузу бика мин шарри маа сонаъту. Абууъу лака би неъматика алайя. Ва Абууъу лака би занбий. Фағfir лий. Фа иннаҳу лаа яғfiruz-zunuba иллаа анта», демоғингдир.

Ким уни ишонч билан наҳорда айтса, ўша куни кеч киришидан олдин ўлиб қолса, аҳли жаннатдан бўлур. Ким уни ишонч билан кечаси айтса, ўша куни тонг отишидан олдин ўлиб қолса, аҳли жаннатдан бўлади».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

Маъноси: «Эй Аллоҳим! Сен Роббимсан! Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сен мени халқ қилдинг. Мен Сенинг бандангман. Мен қодир бўлганимча Сенинг аҳдинг ва ваъдангдаман. Сендан ўзим қилган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман. Сенинг менга берган неъматингни эътироф қиласман. Сенга гуноҳларимни ҳам эътироф қиласман. Мени мағфират қил. Сендан бошқа ҳеч бир зот гуноҳларни мағфират қилмас».

Ушбу «Сайийдул истиғфор» номи ила машҳур бўлган дуони ўқиб юришни кўпчилик азизлар одат қилишган. Дуони яхшилаб ёд олиб, ўқиб юрмоқни ҳар бир мусулмон одат қилиши лозим.

Кейин қуидаги дуони ўқийди:

????? ??????? ?????? ???? ?????? ??????? ?????????????? ????
????????? ???? ??????? ??????: ?????? ??????? ????
??? ???? ???? ???? ?????? ?????? ?????????? ????:
«????????? ???? ?????? ??????? ?????????? ??????????????
????????? ???? ?????????????? ?????? ?????? ??????????
????????? ???? ???? ???? ???? ? ?????????? ??????????
????????? ???? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????
?????????».

Абдуллоҳ ибн Абдурроҳман ибн Абзодан, у отасидан ривоят қиласди:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон тонг оттирсалар: «Асбаҳнаа ала фитратил Ислами ва калиматил ихласи ва дийни Набиййинаа Мұхаммадин соллаллоҳу алайҳи васаллама ва миллати

абийнаа Иброҳийма ҳанийфان муслиман ва маа каана минал мушрикийн», дер эдилар».

Маъноси: «Ислом фитратида, ихлос калимаси, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дини ва мушриклардан бўлмаган бошқа динларга оғмаган муслим отамиз Иброҳимнинг миллатида тонг оттирдик».

Сўнг қуидаги дуони ўқииди.

????? ???? ??????????? ?????? ?????? ?????? ??????:
????? ??????? ?????? ??? ?????? ??? ?????? ?????? ??????:
«?????????? ?????? ??? ?????? ??? ?????? ?????? ???
????????? ?????? ?????? ?????????? ??? ?????????? ???
????????? ?????? ?????? ?????????? ?????????? ??? ??????????
????????? ?????? ?????? ?????????? ?????????? ??? ??????????
????????? ??? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????????? ???
????????? ?????? ?????? ??? ?????? ?????? ?????? ??????». .

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳим! Менга ишимнинг боши бўлган динимни ислоҳ қилгин. Менга унда маошим бўлган дунёимни ислоҳ қилгин. Менга унда қайтар жойим бўлган охиратимни ислоҳ қилгин. Менга ҳаётни ҳар бир яхшиликда зиёда қилгин. Менга ўлимни ҳар бир ёмонликдан роҳат қилгин», дер эдилар».

????? ??????? ???? ??????? ??????: ?????? ?????? ??????
????? ?????????????? ??????: ??? ??????
????????????? ??? ?????????? ??????????. ??????:
??? ?????????? ??? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????????
????? ?????????? ?????? ?????????? ?????? ?????? ??????
????? ??? ?????? ??? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????
????????? ?????? ?????????? ?????? ??????????: «?????????»
????? ?????? ??? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????
????????? ??? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????
????? ?????? ?????? ?????????? ?????????? ?????? ??????
????? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????
????? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????? ??????

????? ??????? ??????? ?????? ?????????? ??????????????
????? ??????? ??? ??? ????? ?????? ?????? ?????? ??????
????? ???????? ?????? ?????? ??????????????????
????? ?????? ?????? ?????? ??????????????».

????? ??????????????

Толқ ибн Ҳабибдан ривоят қилинади:

«Бир киши Абу Дардонинг ҳузурига келиб: «Эй Абу Дардо, уйинг куйиб кетди», деди.

«Куйгани йўқ. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган гапга кўра, Аллоҳ бундай қилмаган бўлса керак. Ул зот шундай дедилар: «Бир калималар бор, уларни ким наҳорнинг аввалида айтса, кеч киргунича унга мусибат етмас, ким уларни наҳорнинг охирида айтса, унга тонг отгунича мусибат етмас: «Аллоҳим! Сен Роббимсан. Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сенга таваккул қилдим. Ва Сен улуғ Аршнинг Роббисан. Аллоҳ нимани хоҳласа, бўлади, нимани хоҳламаса, бўлмайди. Алий ва Азийм Аллоҳдан бошқанинг қудрати ҳам, қуввати ҳам йўқ. Билурманки, албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир ва Аллоҳ барча нарсани илми ила иҳота қилгандир. Аллоҳим! Албатта, мен Сендан ўз нафсим ёмонлигидан ва Сен пешонасидан туттган ҳар бир жониворнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман. Албатта, Роббим сиротул мустақиймдадир».

Ибн Сунний ривоят қилган.

«Руҳий тарбия» китобидан